

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.11/25.08.2022.Yu.24.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ

МАККАМБАЕВ ПУЛАТ АБУТАЛИПОВИЧ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЧЕГАРА ХАВФСИЗЛИГИНИНГ
ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАРИ

12.00.10 – Халқаро ҳуқуқ

юримдик фанлар доктори (Doctor of Science) диссертацияси

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the Doctoral (DSc) Dissertation

Маккамбаев Пулат Абуталипович

Ўзбекистон Республикаси чегара хавфсизлигининг халқаро-ҳуқуқий
муаммолари 3

Маккамбаев Пулат Абуталипович

Международно-правовые проблемы пограничной безопасности
Республики Узбекистан 30

Makkambayev Pulat Abutalipovich

International legal problems of border security of the Republic of Uzbekistan
..... 58

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 62

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.11/25.08.2022.Үч.24.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ

МАККАМБАЕВ ПУЛАТ АБУТАЛИПОВИЧ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЧЕГАРА ХАВФСИЗЛИГИНИНГ
ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАРИ

12.00.10 – Халқаро ҳуқуқ

юримдик фанлар доктори (Doctor of Science) диссертацияси

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.DSc/Yu106 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш сайтида (<https://uwed.uz/ru/news/science>) ва «ZiyoNET» ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Саидов Акмал Холматович
академик, юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Юлдашева Говхержан
юридик фанлари доктори, профессор

Рахимова Муаттар Абдусаттаровна
юридик фанлар доктори, профессор

Матчанов Алимжан Атабаевич
юридик фанлар доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Стратегик ва минтақалараро
тадқиқотлар институти**

Диссертация химояси Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.11/25.08.2022.Yu.24.01 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100007, Ўзбекистон, Тошкент ш., Мустақиллик хиёбони, 54. Тел.: (99871) 267-67-69; e-mail: rektorat@uwed.uz).

Диссертация билан Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100007, Ўзбекистон, Тошкент ш., Мустақиллик хиёбони, 54. Тел.: (99871) 267-16-45, 267-07-07; e-mail: rektorat@uwed.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ тарқатилди.
(2022 йил «__» _____ ги __ рақамли реестр баённомаси).

Г.С. Исмаилова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

М.Н. Мирхамидова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар номзоди

И.А. Хамедов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (Докторлик диссертацияси (DSc) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда чегара хавфсизлигини таъминлаш ва шу билан бирга тобора кучайиб бораётган трансчегаравий оқимларни самарали ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш муаммолари кўплаб давлатлар олдида умумбашарий масалалардан бири сифатида кун тартибига янги вазифаларни қўймоқда. Бир томондан, қўшни мамлакатлар трансчегаравий ҳамкорлиги учун янада «шаффоф» бўлса, бошқа томондан эса хавфсизлик муаммолари ва турли таҳдидларга қарши ҳимоясиз бўлиб қолган. Чегара хавфсизлигининг халқаро-ҳуқуқий муаммолари назарий тадқиқотларда кам ўрганилган бўлиб, улар фақат қоида тариқасида муайян муаммони қамраб олган, бу ўз навбатида, уларнинг хавфсизлигини таъминлашнинг оптимал вариантыни танлаш, чегаралар назариясини ўрганишда янги илмий ёндашувларни тадбиқ этиш тобора долзарб аҳамият жалб этиб бормоқда.

Жаҳонда чегара хавфсизлигининг халқаро-ҳуқуқий муаммолари бўйича қатор тадқиқот ишлари амалга оширмоқда. Бу борада, айниқса, турли давлатлар чегараларининг ўзгарувчан функционал ролини ўрганиш чегара хавфсизлиги учун жуда муҳим аҳамият касб этади. Минтақавий вазиятнинг ҳозирги шароитида террорчилар ва диний экстремистларнинг қуролли гуруҳлари давлатлар ҳудудларига бостириб киришининг олдини олиш ва уларнинг ҳаракатларга чекловлар қўйиши учун давлат чегарасини ҳимоя қилишнинг халқаро-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотларни ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда давлат чегараларини қўриқлаш ва ҳимоя қилишнинг халқаро-ҳуқуқий жиҳатларига эътибор қаратилмоқда. «Афғонистон ҳудуди хавфсизлигимизга таҳдид ва хатарлар манбаи бўлиб қолишига йўл қўйиб бўлмайди. Бу борада сўз юритганда, энг аввало, экстремизмнинг ортиши ва радикал мафқуранинг экспортини, Афғонистон ҳудудидан мамлакатларимизга қарши қўпоровчи ҳаракатлар учун фойдаланишни, жангариларнинг чегараларни бузиб ўтиш хавфини назарда тутяпман»¹. Ушбу йўналишнинг устуворлиги Ўзбекистоннинг Қирғизистон ва Тожикистон билан қўшма чегарасини делимитация ва демаркация қилиш ҳамда Қирғизистон ҳудудидаги эксклавларимизнинг ҳуқуқий мақомини белгиловчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни имзолаш жараёнлари тугалланмаганлигидан иборат. Ҳозирда бу устувор йўналишни мақсадли танлаш туфайли Ўзбекистон қўшни давлатлар билан давлат чегараларини расмийлаштириш жараёнларини қайта тиклади, эксклавлар (анклавлар) мақомини халқаро-ҳуқуқий белгилаш ва уларга кириб бориш тартибини аниқлаш масалалари кўриб чиқиладиган бўшланди. Натижада мамлакатимизда чегара

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «ШХТ – КХШТ» форматидаги 2021 йил 18 сентябрдаги учрашувдаги нутқи. Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти. URL: <https://president.uz/uz/lists/view/4623>.

сиёсатининг асосий йўналишлари шаклланмоқда, чегара хавфсизлигини таъминлаш вазифаларини халқаро-ҳуқуқий жиҳатдан тадқиқ этиш зарурлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон «Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 23 январдаги 35-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларига кўмаклашувчи «Чегара посбонлари» отрядлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори, шунингдек, соҳага тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иктисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.¹ Давлат чегарасининг муҳим сиёсий институт ва давлатчилик хусусияти сифатидаги халқаро-ҳуқуқий аҳамияти бўйича тадқиқотлар дунёнинг кўплаб илмий марказлари ва олий ўқув юртларида, жумладан, БМТнинг Терроризмга қарши кураш бошқармаси (АҚШ, Нью-Йорк), ЕХХТнинг Парламент ассамблеяси (Дания, Копенгаген), Европа Иттифоқининг Европа чегара ва соҳил хавфсизлик агентлигининг Мониторинг ва хатарларни таҳлил қилиш маркази (Фронтекс; Польша, Варшава), ШХТнинг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (Тошкент), МДХнинг Чегара қўшинлари қўмондонлари Кенгаши Мувофиқлаштириш хизматининг Чегара масалалари бўйича халқаро шартномавий ҳамкорлик бўлими (Россия, Москва), Халқаро стратегик тадқиқотлар институти (Англия, Лондон), Халқаро тинчлик институти (Швеция, Стокгольм), Женева халқаро тинчлик институти (Швейцария, Женева), Тинчлик тадқиқотлари халқаро ассоциацияси (АҚШ, Боулдер, Колорадо штати), Минтақавий ва трансчегаравий тадқиқотлар маркази (Россия, Волгоград), Россия Федерациясининг Ҳарбий фанлар академияси (Москва), шунингдек, Россия, Беларус, Украина ва Қозғистоннинг Чегара академиялари ва бошқа ташкилотлар томонидан амалга оширилади.

Хорижий мамлакатларда янги трансчегаравий таҳдидларга қарши курашиш учун чегара хавфсизлигининг халқаро-ҳуқуқий масалаларини такомиллаштириш бўйича қуйидаги илмий натижалар олинди: террорчиларнинг трансчегаравий

¹ Қаранг: Погранология: проблемы пограничной политики. – М.: Отделение погранологии МАИ, 1999. – 342 с.; Герасимкив А. Границы – разные, проблемы – общие // Пограничник Содружества. – М., 2010. – № 2. – С. 65-67.

ҳаракатининг олдини олиш ва чет эллик террорчи жангчилар оқимини тўхтатиш бўйича янги чегара назорати усуллари ишлаб чиқилди (БМТнинг Терроризмга қарши кураш бошқармаси); чегара можароларининг олдини олиш ва ўзаро ишончни мустаҳкамлаш чораларини кучайтиришга қаратилган чегараларни бошқариш механизмнинг концепциясини қабул қилиш зарурати асослаб берилган (ЕХХТнинг Парламент ассамблеяси); Марказий Осиё давлатлари учун терроризм, сепаратизм, экстремизм, гиёҳвандлик воситалари ва курол-яроғ савдосига қарши курашиш ҳамда Афғонистон билан чегарада трансчегаравий жиноий фаолиятнинг бошқа турлари билан курашнинг замонавий концепцияси ишлаб чиқилди (ШХТнинг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси); «Давлат чегараси тўғрисида», «Чегара хавфсизлиги тўғрисида», «Чегара идоралари тўғрисида»ги намунавий қонунларда «чегара хавфсизлиги», «чегара сиёсати», «чегара фазоси» ва бошқа янги илмий тушунчалар асослаб берилган ва халқаро ҳамкорлик амалиётига жорий этилган (МДХнинг Чегара қўшинлари қўмондонлари Кенгаши).

Дунёда «чегара хавфсизлиги» тоифасидаги янги концепциянинг таркибий элементларини таъминловчи илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Кўп фазовий ва метрик параметрларга эга бўлган ҳолда, у давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш учун халқаро ва миллий-ҳуқуқий кўп босқичли тизимлаштириш халқаро ҳамжамият ҳаётида давлат чегараларининг ўрни, чегара хавфсизлигининг миллий концепциясига энг яқин бўлган илмий фан – погранология – бу давлатнинг ўз чегаралари ва чегара фазосида хавфсизлигини таъминлаш каби мураккаб ижтимоий-сиёсий ҳодисанинг табиати, қонунлари ва қонуниятларига оид билимлар тизими.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистонлик олимлардан давлат мустақиллиги ва давлат чегараларини халқаро-ҳуқуқий расмийлаштириш муаммонинг жиҳатлари А. Агзамходжаев, Х. Адилкариев, С. Адилходжаева, А. Азизходжаев, К. Алимов, Р. Алимов, А. Аминов, Ш. Арифханов, А. Бабаходжаев, И. Бобокулов, Ш. Гафаров, К. Джураев, Г. Ерниязова, Б. Исмаилов, Ф. Исхаков, А. Ишанов, Л. Кашинская, О. Кубаев, Г. Маткаримова, М. Мирахмедов, А. Мирзаев, Р. Набиев, И. Неъматов, Х. Раҳманкулов, А. Раҳманов, Ю. Рысбеков, А. Саидов, Д. Ташкулов, Ф. Толипов, Р. Тузмухамедов, Н. Туляганова, А. Турсунов, Х. Турсунов, Т. Тухтаметов, И. Умарахунов, Ш. Уразаев, Р. Хақимов ва М. Шарифходжаев илмий ишларида тадқиқ этилган.¹

МДХ олимлари орасида чегараларни халқаро-ҳуқуқий муаммолари А. Арбатов, С. Бабуринов, С. Байманов, В. Бараненков, В. Барановский, Ю. Барсегов, А. Богатуров, С. Богданов, Е. Винокуров, Л. Волова, Б. Ганюшкин, С. Голунов, П. Дмитриев, Л. Карапетян, В. Карташкин, Г. Клеченов, Б. Клименко, А. Козлов, Л. Корбут, И. Куклина, Д. Мальшева, Б. Мартынов, А. Мелкумов, В. Микрюков, Ю. Морозов, Э. Пушмин, А. Порк, С. Романенко, С. Русин, П. Смоленский, Д. Трофимов, В. Хандожко, И. Харичкин, В. Чамаров, В. Чеканов, М. Чумакова, М. Шафир, М. Энтин, А. Ямсков ва А. Язьковаларнинг асарларида ўз аксини топган.

¹ Изох: ушбу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

Хорижлик халқаро ҳуқуқшунослар, жумладан М. Андерсон, Ц. Березовский, Я. Броунли, В. Волкан, П. Гуан, С. Гуанчэн, К. Илиас, Л. Йонсон, Р. Макдермотт, А. Манугян, С. Маркизио, А. Новоселов, Л. Оппенгейм, Р. Осборн, А. Ротфельд, Р. Суни, Т. Того, А. Харада, К. Хиршманн, В. Шнайдер-Детерс, М. Шпехлер ва Э.Х. де Аречага асарларида ҳудудий яхлитлиги ҳимояси ва давлат чегаралари дахлсизлигини таъминлаш муаммолари таҳлил қилинган.

Йигирма беш йилдан ортиқ вақт мобайнида «чегара сиёсати» ва «чегара хавфсизлиги» атамалари собиқ иттифоқ ҳудудида ижтимоий-сиёсий лексикада ва халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда фаол қўлланилиб келинмоқда. Бироқ ҳозиргача мазкур терминлар миллий қонунчиликда тўғри мустаҳкамланмади ва миллий ҳуқуқий адабиётларда илмий таҳлил объектларига айланмади. Ўзбекистон олимлари минтақавий ва миллий хавфсизлик муаммоларини тадқиқ қилган асарларида эса фақат Ўзбекистон Республикаси чегара хавфсизлигининг умумий муаммоларига тегишли бўлган айрим жиҳатларга тўхталиб ўтишди.

Демак, юқоридаги изланишлар таҳлилига кўра, мамлакатимиз ҳуқуқ фанида Ўзбекистон Республикасининг чегара хавфсизлигини таъминлашнинг халқаро-ҳуқуқий муаммолари комплекс равишда тизимли таҳлил этилмаганлиги диссертациянинг ушбу мавзусини тадқиқ этишини белгилаб берди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ПЗ 20170929780 «Ўзбекистонда халқаро ҳуқуқ соҳасида таълим ва тадқиқотларни такомиллаштириш» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикасининг чегара хавфсизлигини таъминлашнинг халқаро-ҳуқуқий муаммоларини ечимини таъминловчи замонавий халқаро ҳуқуқнинг амалдаги нормалари асосида илмий-назарий ва амалий тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазибалари:

халқаро, минтақавий ва миллий даражаларда давлат чегараларининг халқаро-ҳуқуқий функцияларини ўрганиш, уларнинг халқаро-ҳуқуқий режимларига таъсир этувчи тенденцияларни аниқлаш;

давлат чегараларининг миллий ҳудудлар ва суверенитет соҳаларини чегаралашдаги аҳамиятини, Марказий Осиё давлатлари томонидан ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини рўёбга чиқаришнинг халқаро-ҳуқуқий жараёнларини ва натижада минтақада янги давлатлараро чегаралар шаклланганлигини ўрганиш;

халқаро, минтақавий ва ички низоларнинг олдини олишда халқаро хавфсизлик тизимининг халқаро-ҳуқуқий аҳамиятини аниқлаш, Марказий Осиё минтақасида мавжуд ҳудудий ва чегара низоларнинг ҳуқуқий табиатини ташхис қилиш;

халқаро ва минтақавий хавфсизликни таъминлашда асосий халқаро-ҳуқуқий элементи сифатида давлат чегаралари дахлсизлигининг аҳамиятини аниқлаш;

«хавфсизлик» тушунчасини тадқиқ қилишда замонавий назарий-методологик ёндашувларни кўриб чиқиш ва уларнинг замонавий халқаро ҳуқуқда мавжуд бўлган хавфсизлик категорияларига таъсирини аниқлаш;

халқаро, минтақавий ва миллий хавфсизликнинг халқаро-ҳуқуқий ўзаро боғлиқлиги ва бир-бирига бўйсунувчанлигини аниқлаш, миллий хавфсизликни таъминлаш тизимида чегара хавфсизлигининг халқаро-ҳуқуқий аҳамиятини ўрганиш;

минтақавий хавфсизлик механизми жорий ҳолатини халқаро-ҳуқуқий баҳолаш ва унинг Ўзбекистон Республикаси чегара хавфсизлигига таъсирини аниқлаш;

Ўзбекистон Республикаси чегара сиёсатининг халқаро-ҳуқуқий моҳияти, унда чегара хавфсизлигини таъминлаш ўрни, шунингдек, уларнинг миллий хавфсизлик муаммолари билан ўзаро боғлиқлиги ва бир-бирига бўйсунувчилигини аниқлаш;

Ўзбекистон Республикаси чегара хавфсизлиги тизими ҳолатини ўрганиш, давлат бошқаруви органлари томонидан чегара фазосида мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида амалга оширилаётган халқаро-ҳуқуқий чора-тадбирларни тадқиқ этиш;

Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасини кўриқлаш ва ҳимоя қилишни ҳуқуқий тартибга солишни амалга оширувчи ички актларни қабул қилиш бўйича халқаро чегара хавфсизлигини таъминлайдиган халқаро-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ва амалий таклифлар тайёрлаш бўйича муаллифлик тавсияларини шакллантириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Марказий Осиё минтақасида юзага келаётган кескин вазиятда Ўзбекистон Республикасининг чегара хавфсизлигини таъминлашнинг халқаро-ҳуқуқий асосларига оид сиёсий-ҳуқуқий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқот предмети Ўзбекистон Республикасининг чегара хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги мавжуд бўлган халқаро-ҳуқуқий муаммолар ва уларни бартараф этиш учун қўшни мамлакатлар билан ишлатиладиган чегара ҳамкорлиги механизмлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда тарихий, мантиқий, қиёсий, комплексли ва тизимли илмий таҳлил усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

халқаро ҳуқуқ нормалари талабларига мувофиқ делимитация ва демаркация жараёнларини ташкил этиш ва ўтказишда чегаралар бузилмаслиги ва дахлсизлиги тамойилларининг мазмун-моҳияти юзасидан муаллифлик талқинини келтирилган, давлатларнинг ҳозирги кунда ва келажакда ушбу чегараларга дахл қилмаслик мажбуриятини кўзда тутишини, ҳудудини қисман ёки тўлиқ босиб олиш ва узурпация қилишдан ўзини тийишини ҳамда мамлакатимиз чегара хавфсизлигини таъминлаш жараёнида ушбу тамойилларга қатъий риоя қилиш зарурлиги асосланган;

чегара хавфсизлиги тизимини ривожлантириш масалаларини ҳуқуқий тартибга солишда қўшни Афғонистондаги вазиятнинг кескинлашган шароитида чегарани ҳимоя қилиш, дарё ва қуруқлик участкаларида давлат чегарасини кўриқлаш замонавий тактикасини ишлаб чиқиш, чегара олди минтақаси ва чегара олди зонаси режимларининг уларга кириш ва у ерда ишлар бажариш каби талабларини

кучайтиришига қаратилган чора-тадбирларни такомиллаштириш, чегара хавфсизлигини таъминлашда иштирок этувчи субъектлар ўртасида мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳамкорликни ташкил этиш зарурлиги асосланган;

илк бор Марказий Осиё давлатларининг чегара фазосида чегара ва ҳарбий хавфсизликни таъминлаш, давлатлар ўртасида давлат чегараларини халқаро-ҳуқуқий расмийлаштириш, чегара ҳамкорлигини мустаҳкамлаш орқали минтақа мамлакатларининг чегара хавфсизлиги концепциясини такомиллаштириш зарурлиги асосланган;

илк бор «чегара хавфсизлиги» тоифасидаги «чегара сиёсати», «чегара фазоси», «чегара олди ҳудудлар» каби атамаларини миллий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига киритиш зарурати, уларнинг яхши чегарадош кўшничилик муносабатларининг ўрнатилишига таъсир кўрсатаётганлиги ҳамда Чегара кўшинлари офицерлар таркибига «Ўзбекистон Республикаси чегара хавфсизлиги асослари» янги махсус ўқув фанини ўқитиш зарурлиги асослаб берилган;

илк бор Чегара кўшинлари давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш бўйича кундалик хизматида қонун ижодкорлиги ва қонунни қўллаш фаолиятини амалга ошираётганлиги туфайли Ўзбекистон Республикаси Қуроли кучлари Академиясининг Чегара факультетида таҳсил олаётган тингловчилар ва магистрантлар учун ҳуқуқий фанларини киритилиши асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

«хавфсизлик», «миллий хавфсизлик», «чегара хавфсизлиги» ва «чегара сиёсати» тушунчаларнинг моҳиятини очиқ берилди ҳамда «Миллий хавфсизлик асослари» каби янги фан соҳасининг концептуал аппарати ва назарий қоидалари бойитилди;

диссертацияда ишлаб чиқилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси эксклавлари ва давлат чегаралари хавфсизлигини таъминлашда мустаҳкам ҳуқуқий асосни яратади, шунингдек, чегара фазосида унинг манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлайди;

тадқиқот амалий натижалари «Ўзбекистон Республикаси чегара хавфсизлиги асослари» махсус ҳуқуқий ўқув таълим фанини ишлаб чиқишда фойдаланилди;

чегара ҳудудида мамлакатимизнинг миллий манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлайдиган Ўзбекистон Республикаси чегара хавфсизлиги Концепциясини ишлаб чиқиш зарурлиги асослаб берилди;

Ўзбекистон Республикаси чегара хавфсизлигини таъминлаш жараёнини самарали бошқаришни таъминлаш мақсадида Чегара масалалари бўйича давлат комиссияси, яъни янги коллегиял органни тузиш мақсадга мувофиқлиги асослаб берилди;

давлат чегарасини қўриқлашда ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш ва уни амалга ошириш фаолияти билан шуғулланадиган Чегара кўшинлари офицерларининг ҳуқуқшунослик соҳасидаги фундаментал билимлари ва чегара хавфсизлигини таъминлашнинг илмий асосларини билиш зарурлиги исботланди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертация ишида қўлланилган усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий маълумотлар расмий манбалардан олинганлиги, хорижий ва миллий қонун ҳужжатлари ўзаро таҳлил

қилинганлиги, тадқиқот халқаро ҳуқуқ нормалари ва миллий тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилганлиги, хорижий тажриба ва миллий қонунчиликдаги ҳолатлар таҳлил қилинганлиги, ҳулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, тадқиқот натижалари ваколатли идоралар томонидан амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги миллий манфаатларни ҳимоя қилиш ва миллий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги давлат суверенитетининг муҳим ҳуқуқий асоси ва унинг ўрнини кучайтириш, халқлар ва ҳудудлар ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда делимитация ва демаркация жараёнларида ушбу хусусиятни ҳар доим инобатга олиш, чегара хавфсизлиги бўйича илмий тадқиқотларни амалга ошириш, илмий-назарий асосларни ишлаб чиқиш, олий ҳарбий ўқув юртлари учун махсус адабиётларни тайёрлаш, «Халқаро ҳуқуқ», «Халқаро муносабатлар», «Давлат ва ҳуқуқ назарияси», «Конституциявий ҳуқуқ», «Маъмурий ҳуқуқ», «Сиёсатшунослик», «Чегара қўшинларининг хизмати ва тактикаси» каби фанларни ўқитишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти чегара хавфсизлиги миллий хавфсизликнинг сиёсий-ҳуқуқий тизимидаги асосий тизим бўлганлиги сабабли чегара хавфсизлигини таъминлашга доимий эътибор қаратиш, бугунги кунда чегара сиёсатининг асосий мақсади Ўзбекистон Республикасининг суверенитети ва ҳудудий яхлитлиги, унинг давлат чегаралари бузулмаслиги ва дахлсизлигини таъминлаш орқали ҳимоя қилиш, давлат ва минтақавий чегаралар ўртасида объектив ўзаро боғлиқлик мавжудлигидан хабордор бўлиб, қўшма чегаралар хавфсизлигини мустаҳкамлаш мақсадида минтақа давлатлари, хусусан, МДҲ доирасида самарали чегаравий ҳамкорликни амалга ошириш зарурлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Чегара хавфсизлигининг халқаро ҳуқуқий муаммолари бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-моддасида кўрсатилган чегаралар бузилмаслиги тамойилини, унинг замонавий халқаро ҳуқуқда белгиланган халқаро-ҳуқуқий моҳиятига риоя этилишини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Конституциянинг 17-моддасига «чегараларнинг дахлсизлиги» ибораси ўрнига «чегараларнинг бузилмаслиги» иборасини алмаштириш бўйича давлат тилида тегишли процедурасини бошлашида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар Қўмитасининг 2021 йил 20 январдаги № 10/1-09-8312-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий қилиниши Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни шакллантириш бўйича Конституциявий комиссиясига «чегараларнинг дахлсизлиги» ибораси ўрнига «чегараларнинг бузилмаслиги» иборасини алмаштиришга хизмат қилди;

Ўзбекистон Республикаси ДХХ Чегара қўшинлари қўмондонлиги қарорига мувофиқ, диссертант томонидан шакллантирилган чегара хавфсизлигини

такомиллаштириш бўйича хулосалар ва амалий таклифлар меъерий фаолият жараёнида, шунингдек, қўмондонлик ва жанговар тайёргарлик ўқув-услугий базасини такомиллаштиришида фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси ДХХ Чегара қўшинлари 2020 йил 12 декабрдаги № 30/3-12981-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий қилиниши чегара олди минтақаси ва чегара олди зонаси режимларини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашга хизмат қилди;

Қозоғистон Республикаси Миллий хавфсизлик қўмитаси Чегара Академиясининг хулосасига кўра, чегара хавфсизлиги соҳасидаги мақсадли илмий-тадқиқот натижалари ижобий баҳоланди. Хусусан, минтақада давлатлараро чегараларнинг ўрнатилиш жараёнларининг тугалланмаганлиги шароитида Марказий Осиё давлатларининг самарали чегара хавфсизлигини таъминлашга оид таклиф этилган хизмат ва тезкор фаолиятнинг чора-тадбирлари ҳамда Афғонистонда давом этаётган фуқаролар уруши давридаги ҳарбий хавфсизликни таъминлаш бўйича ҳарбий ҳаракатлар миллий қонунчиликни такомиллаштиришда фойдаланилди (Қозоғистон Республикаси Миллий хавфсизлик қўмитаси Чегара Академиясининг 2020 йил 13 ноябрдаги № 15/14-1393-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифлар «Қозоғистон Республикаси чегара хавфсизлиги соҳасидаги фанлараро тадқиқотлар методологик муаммоларининг ўзига хослиги» мавзусидаги оралиқ илмий ҳисоботни тайёрлашда хизмат қилган;

диссертация тадқиқотлари материаллари асосида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси Чегара факультети тингловчиларни ўқитиш учун «Ўзбекистон Республикаси чегара хавфсизлиги асослари» янги ўқув фанини ўқув жараёнига киритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг 2022 йил 11 апрелдаги № 10/644-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг жорий қилиниши тингловчиларда мамлакатимиз чегара хавфсизлигини таъминлаш тизими ҳамда чегара хавфсизлиги асослари тўғрисида яхлит тасаввурни шакллантиришга хизмат қилди;

тадқиқот материалларида чегара хавфсизлигини, Чегара қўшинларининг хизмат-тезкор ва хизмат-жанговар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини доимий равишда такомиллаштириш зарурати асослаб берилган бўлиб Қуролли кучлар Академиясининг Чегара факультети тингловчилари ва магистрантларининг ўқув дастурига юридик фанлар курсини киритиш учун асос бўлиб хизмат қилди (Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг 2022 йил 11 апрелдаги № 10/644-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий қилиниши Чегара қўшинлари офицерларида мамлакатимиз чегара хавфсизлигини таъминлаш бўйича хизмат ва жанговар вазифаларни бажаришда зарур бўлган ҳуқуқий билимларни шакллантириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. «Ўзбекистон Республикаси чегара хавфсизлиги асослари» махсус фани бўйича диссертант томонидан Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари Академияси Чегара факультети тингловчиларига 20 соат миқдорида маърузалар курси ўқиб берилди. Мазкур

тадқиқот натижалари 5 та илмий анжуманда, жумладан, 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 40 та илмий иш, жумладан 3 та монография ҳамда илмий журналлар ва тўпламларда 37 та илмий мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва 5 та иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 201 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, натижаларнинг ишончлилиги ва эълон қилинганлиги, илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг жорий қилиниши, апробацияси, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Марказий Осиё мамлакатлари давлат чегараларини шакллантиришга меъёрий таъсир кўрсатувчи халқаро ҳуқуқнинг асосий категориялари»** деб номланиб, унда инсон ҳуқуқлари ва халқларнинг тенг ҳуқуқлиги, уларни ҳурмат қилишнинг халқаро-ҳуқуқий тамойиллари қоидаларига асосланган ҳолда «суверенитет», «ҳудуд» ва «халқлар ва миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши» тушунчалари эволюциясининг илмий таҳлили амалга оширилди. Шунингдек, ушбу тушунчаларнинг давлат чегаралари ва уларнинг халқаро-ҳуқуқий режимларининг шаклланишига таъсири тадқиқ қилинди.

Шу билан бирга, Марказий Осиё давлатлари чегараларининг халқаро-ҳуқуқий режимларини ривожлантиришнинг жорий тенденцияларини ҳисобга олишда умумжаҳон тараққиёт жараёнлари барча давлат чегараларига (илгари мавжуд бўлган ва янги ташкил этилган) табақалаштирилган таъсир кўрсатиши ва уларнинг таъсир даражаси давлатлараро чегаралар ва уларга туташ чегара ҳудудларидаги вазиятни шакллантирадиган омилларга боғлиқ. Бунда давлатлараро ўрнатилган халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлик ҳамда чегара хавфсизлигидаги мавжуд муаммолар ва уларнинг таҳдидлари муҳим кўрсаткич ҳисобланади.

Ўтган асрнинг 90-йилларининг иккинчи ярмида бошланган Марказий Осиёдаги республикаларнинг чегараларини халқаро-ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштириш жараёни янги ташкил топган мустақил давлатлари ўз халқларининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, этник ва маданий интеграцияси асосида ўз-ўзини аниқлаш тарзида намоён бўлди. Ҳозирги кунда умумжаҳон ривожланиш жараёнлари Марказий Осиё мамлакатларнинг давлат чегаралари бажарадиган функцияларига бевосита таъсир кўрсатмоқда. Бундай ҳолат биринчидан, постбиполяр дунёда, умумжаҳон ривожланиш таъсири остида, икки жараён параллел ривожланмоқда мавжуд бўлган

чегаралар фрагментация ёки интеграцияси давлатларда айниятлар эволюциясига таъсир қилмоқда, айниятлар чегара функцияларига ва уларга туташ бўлган чегара худудларига ўз таъсирини ўтказмоқда.

Иккинчидан, давлат чегаралари, ўзларининг сиёсий ролига асосланиб, ички ва ташқи функцияларни бажаради. Чегараларнинг ички функциялари давлатнинг суверенитети ва худудий яхлитлигини ҳамда аҳолисининг ижтимоий ва этно-маданий интеграциясини таъминлашдан иборат. Давлат чегараларининг ташқи функциялари эса ўрнатилган халқаро-ҳуқуқий режимлар доирасида қўшни давлатлар билан самарали ҳамкорлик қилиш учун зарур шарт-шароитларни яратишни назарда тутди.

Учинчидан, давлат чегаралари бажарадиган функцияларнинг асосий хусусиятлари давлатнинг ва у жойлашган минтақанинг ривожланишида содир бўлаётган ўзига хос тарихий шарт-шароитларга боғлиқ. Шундай қилиб, Марказий Осиё мамлакатлари давлатлараро чегара режимларининг аниқ халқаро-ҳуқуқий тартибга солинмаганлиги ўтиш даври воқеликларининг аксидир. Бу борада давлатлар томонидан амалга оширилаётган ислохотлар, умумжаҳон ва минтақавий интеграция жараёнлари таъсири остида, қўшни давлатлар ва бошқа минтақалардаги давлатлар билан трансчегаравий алоқаларини ўрнатиш ва кенгайтиришга олиб келмоқда.

Тўртинчидан, Марказий Осиёдаги вазиятнинг ҳозирги ривожланиши минтақа давлатлари ўртасидаги муносабатларда глобализация жараёнларининг устун бўлиш тенденцияси давом этаётганлигидан далолат бермоқда. Ўз навбатида, бундай ҳолат қўшни мамлакатлар билан давлат чегараларининг тўсиқли ва алоқа функцияларининг нисбатини аниқлашда табақалаштирилган ёндашувдан фойдаланишни назарда тутди.

Бешинчидан, Марказий Осиё мамлакатларининг давлатлараро муносабатлари таҳлилига кўра икки томонлама муносабатлар ўтиш даврида регионализациянинг асосий таркибий бўғини бўлиб қолади. Шу билан бирга, минтақадаги давлатлар ўртасидаги чегаралар уларнинг иқтисодий ривожланиши учун икки томонлама ҳамкорлик асосида юзага келаётган қулай шартлардан самарали фойдаланиш, потенциал хавфсизлик ва таҳдидларнинг олдини олиш вазифаларини бажаради.

Давлат чегаралари замонавий халқаро ҳуқуқ тамойиллари ва нормалари билан бошқариладиган халқаро-ҳуқуқий категориядир. Қўшма чегараларда демократик халқаро-ҳуқуқий режимларнинг ўрнатилиши давлатлар ва халқлар ўртасидаги яхши қўшничилик муносабатларини, шунингдек, турли цивилизациялар ўртасидаги толерант мулоқотни илгари суради. Марказий Осиё минтақаси давлат чегараларининг халқаро-ҳуқуқий режимларининг ҳолати ўтиш даврининг ўзига хос хусусиятларини ифодаловчи воқелиklar ҳамда уларнинг чегара хавфсизлигига оид муаммо ва таҳдидларнинг мавжудлигини акс эттиради.

Давлат чегараларини шакллантиришга меъёрий таъсир кўрсатувчи халқаро ҳуқуқ категориялари орасида «халқ» ва «суверенитет» каби ўзаро боғлиқ икки

тушунча муҳим ўрин тутади. Умуман олганда, суверенитет давлат ичида ҳокимият ва миллий халқаро ҳуқуқ нормаларига асосланган мустақил ташқи сиёсатни амалга ошириш хусусиятидир. Суверенитетнинг мавжуд 3 та тури (халқ, миллий, давлат) орасида қонуний давлат ва жамиятни куришда асосан халққа тайанади. Бунда умуммиллий ва давлатлараро ишларни бошқариш, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий воситалардан фойдаланишда халқ мустақиллиги фараз қилинмоқда. Шу билан бирга суверенитет миллий хавфсизлик тизими, унинг асосий қўйи тизими сифатида чегара хавфсизлигини шакллантиришнинг муҳим ҳуқуқий пойдеворидир.

Миллий суверенитетнинг асосий моҳияти эса барқарор этник жамоага эга бўлиш, ўзлигини сақлаб қолиш ва уни ривожлантириш учун сиёсий эркинликка эришиш, тенг ҳуқуқлилиқ, халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳамда халқаро-ҳуқуқий тамойилларга ҳурмат асосида амалга ошириш ҳисобланади.

Миллий манфаатларни ҳимоя қилиш ва миллий хавфсизликни таъминлаш соҳасида муҳим тизимни шакллантириш жамиятнинг асосий институти ва суверенитетга эга бўлган давлатга тегишли. Халқаро-ҳуқуқий шахсликка эга бўлган давлат кўп томонлама ва икки томонлама даражадаги халқаро муносабатларда иштирок этиб, миллий хавфсизликнинг таркибий қисми, яъни чегара хавфсизлигини таъминлашнинг халқаро-ҳуқуқий асосини яратади.

«Худуд» муҳим халқаро-ҳуқуқий категория бўлиб, «халқ» ва «суверенитет» тушунчалари учун ҳаётни қўллаб-қувватловчи муҳит вазифасини бажаради. Ушбу тушунча сифатида маълум географик макон шароитида яшовчи ва уша жойда тарихан шаклланган, халқаро-ҳуқуқий шахсиятга эга бўлган, одамлар жамоаси (халқ, миллат) ер шарининг маълум бир қисми сифатида тушунилади. У давлат ва унинг моддий базасининг энг муҳим хусусиятларидан биридир. Худудга бўлган ҳуқуқ – халқнинг узвий ҳуқуқи ва унинг миллий суверенитети намоён бўлишининг бири. Тенг ҳуқуқлилиқ тўғрисидаги халқаро ҳуқуқ тамойили қоидаларига асосланиб, барча халқлар ўзлари яшаб турган худуд ҳуқуқига эга эканлиги ва ушбу худудда уларнинг одамлар жамоаси сифатида шаклланишининг тарихий йўлини босиб ўтганлигидан далолат беради. Шу нуқтаи назардан миллий худудни замонавий халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ, миллий суверенитет туфайли ушбу мамлакатдаги халқ ва миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ва ўз хоҳиш-иродасини эркин амалга ошириш имкониятини мавжуд бўлган дунёнинг ажралмас қисми сифатида тушуниш керак.

«Худуд» ва «халқ» ўзаро боғлиқ 2 та категория бўлиб, улар ўртасида бир-бирига бўйсунувчилиги мавжуд бўлиб, уларнинг биргаликда тарихий ривожланиши узоқ ва мураккаб жараён сифатида намоён булади. Уларни ўзаро боғлиқ тарзда кўриб чиқмай туриб, давлат чегараларининг шаклланиш хусусияти, халқларнинг тадрижий ривожланиш тарихи ва улар ўртасидаги муносабатлар табиатини тушуниш қийин. Этник маданият ва халқнинг тарихи, худуднинг умумий тарихи билан узвий боғлиқ бўлиб, у кишилиқ жамоасини бирлаштириш орқали жамият ва давлат шаклланишида муҳим омил ҳисобланади. Шу боис худуд халқ ва давлат ҳокимияти ўртасида боғловчи бўғин

бўлиб, уларнинг табиати, яшаш жойи муҳити, ер ости ва ер усти бойликлари ҳамда давлат тузилиши халқ, миллат ва давлат суверенитетини амалга оширишда, моддий база вазифасини бажаради.

Халқ ва миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш тамойили янги ташкил топган мустақил давлатлар чегараларининг халқаро-ҳуқуқий ўрнатилишига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Халқ ва миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши – халқнинг миллий ва сиёсий онгини ривожлантиришнинг мураккаб тарихий жараёнидир. У инсон ва халқлар ҳуқуқларини ҳурмат қилишнинг демократик тамойилларига риоя қилиш, прогрессив хусусиятларга эга бўлган янги сиёсий тузум орқали уларнинг халқаро-ҳуқуқий ва ўзидаги мавжуд тизимга нисбатан аниқлаши ҳамда унинг бундан кейинги талаб-эҳтиёжини англашдан иборат. Халқларнинг тенг ҳуқуқлилик тамойили асосида дунёдаги барча халқлар «ички» ва «ташқи» ўз тақдирини ўзи белгилаши ҳуқуқига эга.

Диссертациянинг иккинчи бобида **«Марказий Осиё давлатлари чегараларини делимитация қилишнинг халқаро-ҳуқуқий муаммоларини ҳал этишда халқаро ва минтақавий хавфсизлик тизимларининг таъсири»** таҳлил қилинган. Унда давлатлараро можароларнинг олдини олиш бўйича халқаро хавфсизлик тизимининг халқаро-ҳуқуқий қиймати, Марказий Осиёдаги ҳудудий ва чегара можароларининг ўзига хос хусусиятлари, хавфсизликни таъминлаш тизимида давлат чегаралари дахлсизлигининг ўрни ва жойи ўрганилди.

Халқаро тинчлик ва хавфсизликка замонавий таҳдидларнинг таҳлиliga кўра, мавжуд халқаро тизим бугунги давр талабларга етарли даражада жавоб бера олмайди. Бу халқаро ташкилотлар фаолияти, уларнинг институционал тартибларнинг архаик табиати, турли қарорлар қабул қилиш жараёни мураккаблиги сабабли муҳим ўзгаришларга ўз вақтида жавоб бериш кечикмоқда. Бунда халқаро ҳамжамият ушбу муаммони ҳал қилиш учун минтақавий ва халқаро даражадаги эрта огоҳлантириш ва инқирозни бошқаришнинг халқаро-ҳуқуқий механизминини ишлаб чиқиши керак булади.

Инсоният цивилизациясининг ривожланиш тарихи шуни кўрсатадики, халқаро ва минтақавий хавфсизлик тизимларининг ҳолати ва самарадорлиги давлатлар ўртасидаги чегараларни ўрнатилишининг халқаро-ҳуқуқий муаммоларини ҳал этишга сезиларли таъсир кўрсатган. Шу боис ушбу тизимлар самарадорлигини белгиловчи асосий кўрсаткич, бу жамоа аъзолари ўртасида халқаро низолар ва можароларнинг мавжудлигидир. Халқаро можаро – бу халқаро ҳуқуқ субъектларининг мураккаб ижтимоий-сиёсий тизимларининг ижтимоий ўзаро таъсири бўлиб, улар учун муҳим аҳамиятга эга бўлган масалаларга, томонлар мавжуд зиддиятларни ҳал қилиш учун халқаро-ҳуқуқий нормаларга зид ҳолатда усуллар ва воситаларни танлаганда бир-бирининг манфаатлари мос келмагач юзага келади.

Глобаллашаётган дунёда янги халқаро можаролар хавфи сезиларли даражада ошади. Бунинг сабаби глобал жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги ва бир-бирига бўйсунувчилиги боис давлатларнинг манфаатлари номувофиқлиги натижасида

юзага келган турли зиддиятларни бартараф этиш анча қийин кечади. Бу ҳолат низоларнинг турли омиллар таъсирида доимо ўзгариб, уларнинг якуний халқаро-хукуқий ечимини топилмагач пайдо бўлади.

Собиқ Иттифоқ маконида, айниқса XIX-XX асрлар давомида мазкур худуддаги ягона ижтимоий-тарихий мустамлака жараёнлар сабабли ижобий ва салбий белгилар, алоҳида шарт-шароитларни ўз ичига олади. Собиқ тузум парчалангач соҳада пайдо бўлган хукуқий вакуум натижасида мустамлака республикаларда кўплаб ички можаролар келиб чиқиб, кейинчалик улар халқаро можароларга айланди. Худудий низолар ҳар қандай миллат, давлат худудининг мавжуд бўлиши, унинг ҳаётий асосга таъсир қилгани сабаб мустамлака макондаги халқаро можароларни ҳал этиш оғир ва мураккаб масала ҳисобланади. Бунда минтақадаги турли хил халқаро можаролар орасида давлатлараро чегараларни делимитация қилиш чоғида МДҲга аъзолар ўртасида юзага келадиган чегара можароларидан бири бўлмоқда.

Чегара можароси – бу қўшни давлатлар ўртасида қўшма чегаранинг ўтиш чизиғини (делимитация ва демаркация жараёнида) аниқлаш, унинг халқаро-хукуқий режимини белгилаш ва унинг мувофиқлигини таъминлаш бўйича юзага келадиган халқаро можаро тури ҳисобланади. Чегара можаросининг шакллари чегаравий низо ва инциденти киритилади. Қўшни давлатлар қўшма давлат чегарасининг ўтиш чизиғини аниқлаш, унинг халқаро-хукуқий режимини белгилаш билан боғлиқ манфаатларининг номувофиқлиги ҳақида бир-бирига даъво билдиргандагина чегара низоси юзага келади. Қўшни томонлардан бири давлат чегарасининг олдиндан белгиланган халқаро-хукуқий режимни бузганда, чегара инциденти чегара можаросининг бир тури сифатида намоён бўлади.

Худудий можаро – бу қўшни ва чегарадош бўлмаган мамлакатлар ўртасида худуднинг бир қисмига, яъни қирғоқ сувлари, ҳаво худуди, эксклюзив иқтисодий зона ва (ёки) континентал шельфга эгалик қилиш орқали пайдо бўлган халқаро можаро тури. Ушбу можаронинг предмети қўшма давлат чегарасининг ўтиш чизиғи масаласига тааллуқлиги бўлиб, одатда, баҳсли жойларга эгалик қилиш бўйича келишув қарорини белгиловчи халқаро-хукуқий ҳужжатларга тегишли бўлмайди. Чегаравий можародан фарқли равишда худудий можаронинг предмети можароли худуд бўлиб, унинг моҳияти шу худуднинг тегишлилигини аниқлашда намоён бўлади.

Давлат чегаралари чегарадош мамлакатлар ўртасидаги муносабатларда муҳим алоқа вазифасини бажаради. Халқаро ва миллий ҳуқуқ нормалари асосида қўшни давлатларнинг ўзаро ҳаётига бевосита ва билвосита таъсир этувчи йўловчи, транспорт, алоқа, коммуникациялар ва бошқа муҳим алмашувлар жараёнлари амалга ошишини таъминлайдиган қўшма чегарада халқаро-хукуқий режим ўрнатилади. Давлат ва минтақавий чегаралар хавфсизлиги, миллий ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш тизимида муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Уларга тегишли бўлган муаммо ва таҳдидлар нафақат давлатнинг ўзи учун, балки минтақа учун ҳам потенциал хавф туғдиради. Шунинг учун давлат ва минтақавий чегаралар ушбу объектлардаги хавфсизлик тизимларининг

ташқи тузилиши вазифасини бажаради ва улар ўртасида объектив ўзаро боғлиқлик мавжуд бўлади.

Собиқ иттифоқ даврида маъмурий-худудий чегаралар аҳолининг этник жойлашуви, уларнинг такрорий ўзбошимчалик билан ўзгариши, 15 та республикалараро чегараларнинг ўтишини қонуний равишда белгилайдиган муҳим ҳужжатларнинг йўқлиги Марказий Осиё минтақасидаги давлатлар ўртасида худудий ва чегара можаролари пайдо бўлишига сабаб бўлди. Ўтган аср охирида Марказий Осиёда давлат чегараларининг ўтиш чизиғини аниқлаш учун бошланган делимитация ва демаркация жараёнлари чегара низолари бўйича можаролар салоҳиятини сезиларли даражада пасайтирди. Бироқ, ҳозиргача, Марказий Осиё минтақасидаги ҳеч бир давлат ўз давлат чегарасини халқаро-ҳуқуқий жиҳатдан ўрнатилишини ҳали тўлиқ тугатмаган.

Бунда биринчидан, Марказий Осиё давлатлари ўртасида давлат чегараларини делимитация ва демаркация қилиш тартиби тўлиқ бажарилмаганлиги сабабли уларга қўшма чегарасининг халқаро-ҳуқуқий режими бўйича тўлиқ шартномалар тузишга тўсиқ бўлмоқда. Иккинчидан, бу ҳолат халқаро чегарадан ўтиш пунктлари фаолияти ва савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш масалаларини ҳал этишда қўшимча муаммолар туғдирмоқда. Учинчидан, бундай муаммолар қўшни мамлакатлар ўртасидаги давлатлараро чегаранинг ҳуқуқий режими масаласида чегара низолар пайдо бўлиши ва бу режимга риоя қилиш билан боғлиқ чегара инцидентлари кўпайишига сабаб бўлмоқда.

Диссертациянинг **«Чегара хавфсизлигининг халқаро-ҳуқуқий хусусиятлари»** деб номланган учинчи бобида халқаро ҳуқуқда мавжуд бўлган хавфсизлик категориялар таҳлил қилиниб, халқаро, минтақавий ва миллий хавфсизликнинг ўзаро боғлиқлиги ва бир-бирига бўйсунувчанлиги кўриб чиқилди ва миллий хавфсизликни таъминлаш тизимида чегара хавфсизлигининг халқаро-ҳуқуқий ўрни ўрганилди.

Чегара хавфсизлигининг халқаро-ҳуқуқий хусусиятларини ўрганишда «хавфсизлик» категориясининг мазмун, моҳиятини тушуниш муҳим аҳамиятга эга. Диссертантнинг ўйлаши бўйича, хавфсизлик бу субъект (объект)нинг турмиш фаолияти билан тавсифланадиган муҳит шароитини таъминлаш тизимидир. Бу таърифда универсаллиги, мураккаблик ва кўп функционаллик, мақсаднинг мавжудлиги ва унга эришиш усули, муҳитнинг ўзгарувчан шароитларига мувофиқ ривожланиш динамикасининг мавжудлиги каби сифат хавфсизлик кўрсаткичлари очиб берилган.

«Хавфсизлик» тушунчаси моҳияти, унинг элементлари, ўзаро боғланиши тизимий характерида намоён бўлиб, улар билан ички қонунийликлар ўртасидаги муайян муносабатларни белгилаб беради. Бу эса, ўз навбатида, мазкур категория ривожланишининг асосий хусусиятлари ва тенденцияларини аниқлаб беради. Ушбу ҳодисанинг тизимли табиати замонавий халқаро ҳуқуқда мавжуд бўлган хавфсизлик категорияларига экстраполяция қилинади.

«Хавфсизлик» тушунчасини тушуниш «халқаро хавфсизлик», «минтақавий хавфсизлик» ва «миллий хавфсизлик» каби категорияларнинг халқаро-ҳуқуқий ўзаро боғлиқлиги ва уларнинг бир-бирига бўйсунувчанлигини идрок имконини беради. Халқаро хавфсизлик деганда, тинчликни сақлаш, уни таъминлайдиган ва халқаро ҳамжамият аъзоларини тинчлик бузилишига қарши турли таҳдидларнинг олдини олиш, локализациялаштириш ва бартараф этиш бўйича жамоавий чора-тадбирларни амалга оширишда умумэтироф этилган тамойиллар, миллий ва халқаро ҳуқуқ нормаларига асосланган халқаро-ҳуқуқий тизим тушунилади. Замонавий шароитларда халқаро хавфсизликнинг асосий мазмунини халқаро ҳуқуқ тамойилларига мувофиқ, дунёда тинчлик ва хавфсизликни сақлашни таъминлайдиган халқаро ҳамжамият институтлари тизими ташкил этади. Давлат ва минтақавий чегаралар хавфсизлигини таъминлаш халқаро ва миллий хавфсизлик тизимининг муҳим таркибий қисмидир. Уларнинг ижтимоий аҳволига таъсир қилувчи муаммо ва таҳдидлар давлатларнинг ўзларига, ҳамда, минтақа учун потенциал хавф туғдиради.

Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлигини халқаро ва миллий-ҳуқуқий характердаги мақсадли чора-тадбирларни амалга ошириш орқали шахс, жамият ва давлатнинг демократик ҳаётий манфаатларига эришишни таъминлайдиган умуминсоний кадриятларга асосланган сиёсий-ҳуқуқий тизим сифатида тушуниш лозим. Миллий хавфсизлик сиёсий-ҳуқуқий тизим сифатида ички ва ташқи омиллар таъсирида таъминлаш жараёнини узлуксиз бошқариш талаб қилинадиган диалектик ўзгаришлар ҳолатида бўлади. Формацияларнинг ижтимоий-тарихий ривожланишидаги ҳар бир босқичи хавфсизлик шароитларини тегишли турлари билан тавсифланади.

Ҳар қандай мамлакатнинг миллий хавфсизлигини таъминлаш тизимида энг асосийси, халқаро-ҳуқуқий аҳамият чегара хавфсизлигига тегишли бўлиб, у мамлакатнинг чегара фазосида шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий манфаатларига эришишда хизмат қиладиган ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий механизмдаги элемент сифатида тушунилади. У, миллий хавфсизлика ўхшаб, 2 та соҳадан иборат: ташқи ва ички. Бу, ўз навбатида, халқаро ва миллий-ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинади. Мамлакатимизнинг чегара хавфсизлиги объектлари сифатида Ўзбекистон Республикасининг чегара фазосида Давлат чегараси, эксклавлари ва миллий манфаатларидир. Чегара хавфсизлиги субъектлари – бу Ўзбекистон Республикасининг чегара маконида миллий манфаатларни ҳимоя қилиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, ташкилотлар ва фуқаролар.

Чегара хавфсизлигининг моҳияти унинг чегара фазосида Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, чегара хавфсизлигининг мазмуни эса Ўзбекистон Республикасининг чегара фазосида суверенитет ва ҳудудий яхлитликни ҳимоя қилишни таъминлашдан иборат. Буларни амалга ошириш халқаро ва миллий-ҳуқуқий чора-тадбирлар орқали қилинади. Чегара хавфсизлиги ва унинг сиёсий-ҳуқуқий тизимининг ажралмас

қисми трансчегаравий хавфсизлик бўлади. Бунда Ўзбекистон Республикасининг чегара фазосида трансчегаравий оқимлар ва кўшни давлатлар билан муносабатлардаги турли таҳдидларнинг олдини олишда шахс, жамият ва давлат манфаатлари учун амалга ошириладиган халқаро ва миллий-ҳуқуқий механизмлар мажмуи сифатида тушунилади.

Чегара хавфсизлиги миллий хавфсизликни таъминлашнинг ажралмас қисмидир. Ўз мақсадига кўра, у миллий хавфсизликнинг бошқа турлари қаторида мамлакат суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини бевосита ҳимоя қилади. Миллий хавфсизлик тизими таркибида чегара хавфсизлиги халқаро-ҳуқуқий, миллий-ҳуқуқий ва ташкилий-бошқарув комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш орқали чегара фазосида шахс, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлайдиган кичик тизим вазифасини ўтайди.

Тўртинчи боб «**Ўзбекистон Республикаси чегара хавфсизлигини халқаро-ҳуқуқий таъминлаш**» деб номланиб, ушбу боб чегара хавфсизлигининг халқаро-ҳуқуқий таҳлилига бағишланган. Унда Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик механизми фаолияти ва унинг давлат чегара хавфсизлигига таъсири баҳоланиб, Ўзбекистоннинг чегара сиёсати ва чегара фазосидаги хавфсизлик бўйича амалга оширилган халқаро-ҳуқуқий чора-тадбирлар тадқиқ қилинади.

Чегара хавфсизлиги тизимининг юқори даражада фаолият кўрсатишига эришиш, уни халқаро-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш бўйича мақсадли чора-тадбирларни амалга ошириш муҳимдир. Зеро, у кўп жиҳатдан минтақавий вазият, воқелик, жараёнлар ҳолатига боғлиқ бўлади.

Миллий хавфсизликнинг сиёсий-ҳуқуқий тизимида чегара хавфсизлиги унинг тизими сифатида Ўзбекистоннинг чегара фазосидаги хавфсизлик ҳолатига таъсир этувчи таҳдидларнинг қуйидаги 7 та асосий турини қайд этиш мумкин бўлади. Булар:

- 1) халқаро террорчи гуруҳлар томонидан давлат ҳудудига қуролли бостириб кириш;
- 2) диний экстремистик партиялар ва ҳаракатлар вакилларининг Давлат чегарасидан яширин кириб келиш;
- 3) гиёҳванд моддалар транзитини амалга ошириш учун жиноий жамоалар томонидан мамлакат ҳудудидан фойдаланиш;
- 4) товар-мол бойликларни Давлат чегарасидан ноқонуний равишда олиб ўтиш;
- 5) ноқонуний миграция оқимлар транзитини мамлакат ҳудуди орқали амалга ошириш;
- 6) чегара олди ҳудудларда миллатлараро тўқнашувлар ва можаролар ташкил қилиш;
- 7) уюшган жиноий жамоалар томонидан трансчегаравий оқимлар устидан назоратни амалга ошириш.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси чегара хавфсизлиги қуйидаги асосий халқаро-ҳуқуқий муаммоларидан иборат:

мамлакатимизнинг қўшни давлатлар билан Давлат чегараси ўтиш чизиғини халқаро-ҳуқуқий расмийлаштириш жараёнлари (делимитация ва демаркация) тугалланмаганлиги;

Ўзбекистоннинг қўшни мамлакатлар билан Давлат чегарасининг халқаро-ҳуқуқий режими тартибга солинмаганлиги;

Қирғизистон ҳудудида Ўзбекистон эксклавларнинг мақомини ҳуқуқий тартибга солишни таъминловчи ва уларга кириш тартибини белгиловчи халқаро ҳужжатлар мавжуд эмаслиги;

Тожикистон анклавининг Ўзбекистон ҳудудида мақомини ҳуқуқий тартибга солишни таъминловчи ва унга кириш тартибини белгиловчи халқаро ҳужжатлар йўқлиги;

Ўзбек-афғон давлат чегарасининг ўтиш чизиғини аниқлаш жараёни (редемаркация) ва Афғонистон билан чегара ҳамкорлигини тартибга солишда халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилмаганлиги.

Чегара хавфсизлигини халқаро-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш жараёнида минтақавий вазиятдаги муаммо ва таҳдидларга жавоб берадиган, яъни илмга асосланган чегара сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикасининг чегара хавфсизлиги Концепциясини давлат даражасида ишлаб чиқиш ва қабул қилиш давр талабга айланди.

Ўзбекистон чегара хавфсизлигининг ҳуқуқий асосини халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойиллари ва нормалари ташкил этади. Бунда чегара масалалари бўйича халқаро шартномалар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар давлат чегаралари хавфсизлигини таъминлашни ҳуқуқий тартибга солишга хизмат қилади.

Чегара хавфсизлигини бошқариш жараёнини ўрганиш бу соҳада Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлигини таъминлаш тизимига кирувчи давлат бошқаруви органлари фаолиятида муҳим ўрин тутди. Уни ташкил этиш даражаси давлат чегараси, эксклавлар ва мамлакатнинг чегара фазосидаги манфаатлар хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ. Ушбу жараённинг самарали бошқарувини таъминлашда чегара фазосидаги вазият ривожланишини кузатиш учун муайян имкониятларга эга бўлган бошқарув органларининг вертикали ва мавжуд таҳдидларга қарши курашиш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирларни амалга ошириш орқали эришиш мумкин. Юқоридагиларни ҳисобга олиб, мавжуд ҳолатлар бўйича Давлат комиссияси, яъни янги жамоа бошқарув органи билан мустаҳкамлаш керак.

Мамлакатимиз давлат бошқаруви органлари Марказий Осиё минтақасидаги ишончли чегара хавфсизлигига эришиш учун Ўзбекистон Республикаси куйидаги вазифаларни ҳал этишни таъминлаши зарур.

Биринчи вазифа – мамлакатнинг чегара фазосида Ўзбекистон Республикасининг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини таъминлаш учун қулай шарт-шароитлар яратадиган чора-тадбирлар мажмуини амалга оширишдан иборат. Бу вазифани ҳал қилиш зарурати давлат чегарасидаги вазият доимо

динамик равишда ривожланадиган ўзгаришларга ва улар чегара хавфсизлиги манфаатларига янги муаммо ва таҳдидларнинг олиб келиши билан боғлиқ. Шу нуқтаи назардан чегара соҳасида юз берган ўзгаришларни ҳисобга олиб, «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида»ги Қонунининг норматив қоидаларини такомиллаштириш зарурати юзага келмоқда.

Иккинчи вазифаси Ўзбекистон Давлат чегарасини қўшни мамлакатлар билан халқаро-ҳуқуқий расмийлаштиришни тугаллаш кўзда тутилган. Бу Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини делимитация ва демаркация қилиш жараёнларини тугаллаш, қўшни мамлакатлар билан уларнинг ҳуқуқий режимини белгиловчи халқаро шартномаларни имзолашни назарда тутди.

Учинчи вазифа ҳал этилиши энг мураккаб муаммо – Ўзбекистон Республикаси эксклавларини халқаро-ҳуқуқий расмийлаштириш ҳисобланади. Бугунги кунга келиб, бу борада ҳеч қандай мураса, келишувлар амалга оширилмади, ушбу масала бўйича тўлиқ музокаралар олиб бориш учун ҳали қулай шароит мавжуд эмас. Бироқ, бу муаммони пайсалга солиб бўлмайди. Шу боис уни ҳозирданок ҳал қилиш керак. Эксклавларнинг мақомини кечиктириб кўриб чиқилиши, ўз навбатида, янги тўсиқларга олиб келиши мумкин ва улар бу муаммони ҳал қилишда қўшимча қийинчиликлар туғдиради.

Тўртинчи вазифаси эса Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси хавфсизлигига таҳдидларни камайтириш, чегара масалалари бўйича халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган халқаро ва минтақавий даражадаги фаол ташқи сиёсатни кучайтиришдан иборат.

Бешинчи вазифани ҳал этиш Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини кўриқлаш ва ҳимоя қилишни таъминлаш бўйича комплекс ва мақсадли чора-тадбирларни амалга ошириш лозим. Бунинг сабаби давлат чегараси чегара хавфсизлигини таъминлашнинг асосий объекти бўлиб, уни кўриқлаш ва ҳимоя қилишни амалга оширишда 2 та шакли мавжуд. Бу вазифани ҳал этиш қуйидагиларни ўз ичига олади: Давлат чегарасини кўриқлаш ва ҳимоя қилишнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш; унинг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тизимини янгилаш; чегара фазосида ўрнатилган ҳуқуқий режимларни мустаҳкамлаш; давлат чегарасини кўриқлаш ва ҳимоя қилишда иштирок этувчи субъектларни мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий механизминини оптималлаштириш; чегара хавфсизлиги соҳасидаги илмий билимлар тизимини шакллантириш ва ривожлантириш.

Олтинчи вазифа, мамлакат чегара олди ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни кўзда тутди. Бу вазифани амалга оширилиши чегара олди ҳудуди мамлакатимизнинг бошқа минтақаларидан бир қатор жиҳатлар билан фарқ қилади. Биринчидан, у доимо қўшни мамлакат чегара олди ҳудудида ривожланаётган вазият таъсири остида бўлиб, унинг салбий оқибатларини бошдан кечиради. Иккинчидан, чегара олди ҳудудлари аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий турмуш даражасининг пастлиги маҳаллий аҳолини трансчегаравий жиноятлар содир этишга жалб қилишда жинорий жамоаларга қулай шароит

яратади. Учинчидан, чегара олди худудларида яшайдиган аҳоли вакиллари, кўшни давлатда уларнинг миллати титул макомига эга бўлганда, ҳал этилмаган ижтимоий-иқтисодий масалалар мавжудлиги туфайли улар орасида ирредентистик кайфиятлар юзага келиши хавфи сақланиб қолади.

Чегара хавфсизлигини таъминлаш бўйича халқаро-ҳуқуқий мажбуриятларни амалга ошириш механизмида мамлакатимизнинг МДХ, ШХТ ва кўшни давлатлар доирасида тузилган чегара ҳамкорлиги бўйича халқаро шартномалар ва давлатлараро дастурлар қоидаларини амалга ошириши асосий роль ўйнайди. Чегаравий ҳамкорлик кўшни давлатлар ўртасида уларнинг биргаликдаги давлат чегарасида чегара хавфсизлигини таъминлаш манфаатлари йўлида ўзаро муносабатларнинг асосий туридир.

Шу нуқтаи назардан Марказий Осиё минтақаси давлатлари билан чегара масалалари бўйича самарали ҳамкорликни ташкил этиш ва ўз давлат чегараларини ишончли ҳимоя қилиш ва кўриқлаш учун Ўзбекистон Республикаси чегара сиёсатининг муҳим усулларида бири бўлган чегара хавфсизлигининг ҳуқуқий асосини шакллантириш бўйича мақсадли тадбирларни амалга ошириши лозим. Мамлакатимизнинг чегара хавфсизлигини таъминлашда унинг чегара фазосидаги суверенитет ва худудий яхлитлигини ҳимоя қилишда иштирок этувчи субъектларни бошқариш жараёни муҳим ўрин тутди. Бу жараёнда иштирок этаётган бошқарув органлари чегара хавфсизлигига таҳдидларнинг олдини олиш бўйича халқаро-ҳуқуқий чора-тадбирлар тизимини доимий равишда такомиллаштириб боришлари лозим. Чегара хавфсизлигини таъминлаш бўйича халқаро-ҳуқуқий мажбуриятларни амалга ошириш механизми ҳолати чегарадош мамлакатлар ўртасидаги чегаравий ҳамкорлик даражаси, унинг самарадорлиги ва давлат чегарасида уларнинг миллий манфаатларини ҳимоя қилиш даражасининг асосий кўрсаткичидир.

ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикаси чегара хавфсизлигининг халқаро-ҳуқуқий муаммоларини тадқиқ этиш бўйича олиб борилган диссертация тадқиқоти куйидаги *илмий-назарий* хулосалар, *амалий* таклифлар ҳамда тавсиларни шакллантириш имконини беради:

1. Илмий-назарий хулосалар

1. Суверенитет – давлатнинг мамлакат ичидаги олий ҳокимиятни ва замонавий халқаро ҳуқуқ нормаларига риоя этишга асосланган мустақил ташқи сиёсатни амалга ошириш хусусиятидир. Суверенитетнинг мавжуд 3 та тури (халқ, миллий ва давлат) орасидан умумдавлат ва давлатлараро ишларни бошқаришда иштирок этиш учун сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий воситалардан фойдаланишда тўлиқ халқ ҳокимиятини кўзда тутадиган халқ суверенитети ҳуқуқий давлатни қуришда асосий вазифани бажаради. Шу билан бирга миллий

суверенитет миллий хавфсизлик тизими ва унинг асосий қуйи тизими – чегара хавфсизлигини шакллантиришнинг муҳим ҳуқуқий асоси бўлиб ҳисобланади.

2. Миллий манфаатларни ҳимоя қилиш ва миллий хавфсизликни таъминлаш соҳасида муҳим тизимни шакллантириш жамиятнинг асосий институти ва суверенитетга эга бўлган давлатга тегишлидир. Халқаро ҳуқуқнинг субъекти бўлган давлат, кўп томонлама ва икки томонлама даражадаги халқаро муносабатларда иштирок этиб, миллий ва чегара хавфсизлигини таъминлашнинг халқаро-ҳуқуқий асосини яратади. Бу, айниқса, Марказий Осиё учун долзарб бўлиб, минтақада ҳозиргача ҳеч бир давлатнинг чегаралари халқаро ҳуқуқ талабларига мувофиқ расмийлаштирилмаган.

3. Ҳудуд ва халқ – бу ўзаро алоқадор икки тоифа бўлиб, ўртасида уларнинг биргаликда тарихий шаклланиши ва ривожланиши турли мураккаб жараёнларга сабаб бўлган ўзаро боғлиқ воқеликдир. Уларни биргаликда кўриб чиқмасдан, давлатлар чегараларининг шаклланиш хусусияти, халқларнинг ривожланиш тарихи ва улар ўртасидаги муносабатлар табиатини тушуниш жуда қийин. Халқнинг этник маданияти ва умумий тарихи бевосита ва билвосита ҳудуд билан боғлиқ бўлиб, у одамлар жамоаси жипслашувининг муҳим омили сифатида намоён бўлади. Ҳудуд давлатнинг ташкилий тузилишида халқ билан давлат ҳокимиятининг табиий яшаш муҳити бўлиб, халқ, миллат ҳамда давлат суверенитетининг ўртасида моддий базаси ва боғловчи вазифасини ўтайди.

4. Умумжаҳон ривожланиш жараёнлари барча давлат чегаралари (илгари мавжуд бўлган ва янги белгиланган чегаралар)га табақалаштирилган таъсир кўрсатиб, уларнинг таъсир даражаси давлатлараро чегаралар ва уларга қўшни чегара ҳудудларидаги вазиятни шакллантирувчи омилларга боғлиқ. Уларда ўрнатиладиган халқаро-ҳуқуқий режим халқлар ва давлатлараро ҳамкорлик самараси чегара хавфсизлигидаги мавжуд муаммолар ва таҳдидларнинг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади.

5. Ҳозир Марказий Осиё давлатлари давлат чегараларини халқаро-ҳуқуқий расмийлаштириш жараёнлари мустақил давлатларни ўз халқларининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, этник ва маданий интеграцияси асосида ўзини ўзи аниқлашнинг бир кўринишидир. Марказий Осиё минтақасидаги давлатлар чегаралари халқаро-ҳуқуқий режимларининг ҳолати мамлакатлар томонидан ўтиш даврининг ўзига хос хусусиятларини ифодаловчи воқеликлар, уларнинг чегара хавфсизлигида муаммо ва таҳдидлар мавжудлигини акс эттиради.

6. Давлат ва минтақавий чегаралар хавфсизлиги миллий ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш тизимининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Улардаги муаммо ва таҳдидлар давлатларнинг ўзлари учун ҳам, минтақалар учун ҳам потенциал хавф туғдиради. Бунинг сабаби, давлат ва минтақавий чегаралар кўрсатилган объектларнинг хавфсизлик тизимлари учун ташқи тузилиш бўлиб хизмат қилади ва улар ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжуд.

7. Давлатнинг айрим институтларида каби, давлат чегараларига нисбатан ички объектив зиддиятлар хос. Улар орасидаги 2 та зиддиятли ҳолат халқаро хавфсизлик манфаатлари учун нобарқарорликнинг энг жиддий манбалари

ҳисобланади. Улардан биринчиси давлат чегараларининг ишлаб чиқариш хўжаликлари, этник, диний, маданий ва бошқа ҳудудий чегаралар ўртасида доимий тафовути билан намоён бўлади. Иккинчиси, энг жиддий халқаро хавфсизликнинг ҳолатига таъсир этувчи объектив зиддият, бу давлатлар чегараларининг уларнинг геосиёсий манфаатлари чегараларига мос келмаслигидир. Айнан ушбу салбий ҳолат халқаро хавфсизликнинг барқарор тизимини яратиш жараёнига тўсқинлик қилиб келмоқда.

8. Хавфсизлик – бу субъект ва объектнинг яшаш муҳити билан тавсифланадиган доимий шароитда унинг ҳаётий фаолиятини таъминлаш тизимидир. Бунда универсаллик, мураккаблик ва кўп функционаллик, мақсад ва унга эришиш йўллари, муҳитнинг ўзгарувчанлигига мувофиқ ривожланиш динамикасининг мавжудлиги каби хавфсизликнинг сифат жиҳатидан кўрсаткичлари очиқ берилган. «Хавфсизлик» тушунчасининг моҳияти, унинг элементлари ўртасидаги муайян муносабатлар ва ички қонуниятларни белгилайдиган изчилликда намоён бўлиб, ушбу соҳадаги ривожланишнинг асосий хусусиятлари ва тенденцияларини белгилайди. Мазкур воқеликнинг тизимли табиати ҳозирги замон халқаро ҳуқуқида мавжуд бўлган хавфсизлик тоифаларига экстраполяция қилинади.

9. Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлиги, деганда «инсон, жамият ва давлат»нинг демократик ҳаётий манфаатларига эришишни таъминловчи умуминсоний қадриятларга асосланган ижтимоий, сиёсий-ҳуқуқий тизим сифатида халқаро ва миллий-ҳуқуқий характердаги мақсадли ва комплексли чора-тадбирларни амалга ошириш орқали эришади.

10. Чегара хавфсизлиги – мамлакат чегара фазосида шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий манфаатларига эришишни таъминловчи, миллий хавфсизликнинг сиёсий-ҳуқуқий тизимидаги куйи тизим. У миллий хавфсизлик каби 2 та соҳа: ташқи ва ичкидан иборат. Булар, ўз навбатида, халқаро ва миллий-ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинади ва мувофиқлаштирилиб берилади.

11. Чегара хавфсизлиги объектлари Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси, эксклавлари ва чегара фазосидаги миллий манфаатлари ҳисобланади. Чегара хавфсизлиги субъектлари – Ўзбекистон Республикасининг чегара фазосида миллий манфаатларни ҳимоя қилиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, тегишли ташкилотлар ва фуқаролар ҳисобланади.

12. Чегара хавфсизлигининг моҳияти Ўзбекистон Республикасининг чегара фазосида, унинг миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, чегара хавфсизлигининг мазмуни бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг чегара фазосида суверенитет ва ҳудудий яхлитликни ҳимоя қилишни таъминлаш бўйича амалга оширилаётган халқаро ва миллий-ҳуқуқий чора-тадбирлар тизими сифатида намоён бўлади.

13. Ўзбекистон Республикасининг чегара сиёсати деганда мамлакатимизнинг ички ва ташқи сиёсатидаги ажралмас қисм сифатида

тушунилиши, унинг чегара фазосида, энг аввало, шахс, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган чегара хавфсизлиги субъектларининг келишилган ва мувофиқлаштирилган хатти-ҳаракатларини ишлаб чиқиш бўйича давлат ҳокимияти органларининг тизимли фаолиятидир. Чегара сиёсатининг асосий мақсади Ўзбекистон Республикасининг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини, унинг давлат чегаралари дахлсизлигини узлуксиз таъминлаш орқали доимий ҳимоя қилишдир.

14. Чегара хавфсизлигини халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш жараёни узлуксиз бўлади. Унинг самарадорлигининг асосий мезони – давлатлар ўртасида чегарада биргаликдаги чегаравий ҳамкорлик даражаси ва уларнинг трансчегаравий жинойтларга биргаликда қарши курашиш ҳолати ҳисобланади.

2. Чегара хавфсизлигини таъминлаш бўйича халқаро-ҳуқуқий асосларни ва Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилигини такомиллаштириш бўйича таклифлар

1. Собиқ иттифоқ даврида маъмурий-ҳудудий чегараларни белгилашда аҳолининг миллий, этник жойлашуви ҳисобга олинмаган ҳолда, ўзбошимчалик билан ўрнатилиши, шунингдек, республикалараро чегараларни шакллантиришда ҳуқуқий жиҳатдан белгилайдиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мавжуд эмаслиги кейинчалик Марказий Осиё минтақаси давлатлари ўртасида ҳудудий ва чегара можароларининг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиё мамлакатлари билан Давлат чегарасини делимитация ва демаркация қилиш жараёнлари тугатилмаган. Афғонистондан мамлакатимизнинг чегара хавфсизлигига мавжуд бўлган узоқ муддатли таҳдидларни инобатга олган ҳолда, ўзбек-тожик ва ўзбек-қирғиз давлат чегарасини делимитация ва демаркация қилиш бўйича музокаралар якунланишини тезлаштириш мақсадга мувофиқ. Афғонистонда фақат легитим ҳокимият ўрнатилгандан кейин, ўзбек-афғон чегарасини делимитация ва демаркация қилиш учун шартнома тузиш жараёнини бошлаши керак бўлади.

2. Бир неча давлатларнинг чегаралари қўшиладиган ҳудудлардаги чегара низолари ва инцидентларининг олдини олиш мақсадида ушбу соҳаларни халқаро-ҳуқуқий равишда тегишли шартнома ҳужжатларида аниқ белгилаб қўйилишини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси 3 та давлатнинг чегаралари қўшиладиган нуқтаси бўйича мавжуд бўлган бештасидан, фақат икки битим (Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон ва Қозоғистон, Туркманистон, Ўзбекистон) давлат чегаралари қўшиладиган нуқтаси тўғрисида тузилган. Ўзбек-тожик, ўзбек-қирғиз ва ўзбек-афғон давлат чегараларининг делимитацияси тугагандан кейин, Ўзбекистон Республикаси 3 та давлатнинг чегаралари қўшиладиган нуқтаси бўйича шартномалар тузиши керак бўлади.

3. Ҳал этилмаган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий муаммолар туфайли Тожикистон ва Қирғизистондаги ички сиёсий вазиятда беқарорликнинг давом этаётган элементларини ҳисобга олиб, ишончли чегара хавфсизлигини

таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Қирғизистон ҳудудида жойлашган ўзининг 4 та экслав ва ўзбек ҳудудида жойлашган тожик анклави мақомларини халқаро-ҳуқуқий расмилаштиришини тезлаштириш ва уларга кириш тартибини ҳал этишга эришиш мақсадга мувофиқ.

4. Минтақа давлатлари ўртасида давлат чегараларини делимитация ва демаркация қилиш жараёнлари тугалланмаганлиги туфайли, бу ўз новбатида, чегара низоларига сабаб бўлиб, турли чегара инцидентларининг пайдо бўлишига шароитлар яратади. Ҳозирда Ўзбекистон ҳеч бир қўшни Марказий Осиё давлати билан қўшма давлат чегараси режими тўғрисидаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатни имзоламагани боис ўзбек-туркман, ўзбек-қозоқ, ўзбек-қирғиз, ўзбек-тожик ва ўзбек-афғон давлат чегаралари режими тўғрисидаги шартномаларни тузиш мақсадга мувофиқ.

5. Ҳозирда қўшни давлатлар ўртасида қўшма давлат чегарасининг халқаро-ҳуқуқий режими тўғрисида битимлар тузилгач, чегара вакилларининг мақоми тўғрисида янги шартномалар тузиш керак бўлади. Бунда қўшма чегара режими бўйича яна бир бор тузилган шартномаларда янги халқаро-ҳуқуқий меъёрлар киритилиб, улар чегара тартибини таъминлаш, асраш ва устидан биргаликда назорат амалга ошириш кўзда тутилади.

6. Чегара хавфсизлиги сиёсий-ҳуқуқий тизимининг ажралмас қисми трансчегаравий хавфсизликдир. Бу трансчегаравий оқимларга ва қўшни давлатлар билан муносабатларга таҳдидларнинг олдини олиш манфаатлари учун Ўзбекистон чегара фазосида амалга оширилаётган халқаро ва миллий-ҳуқуқий чора-тадбирлар мажмуи сифатида тушунилади. Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси қўшни давлатлар билан икки томонлама халқаро-ҳуқуқий актларни тузиш тавсия этилади ва уларда чегара хизматлари ва иккала мамлакатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг чегара таҳдидларига (халқаро терроризм, диний экстремизм, наркотрафик, ноқонуний миграция ва ҳоказоларга) қарши кураши, бевосита давлатлараро чегара чизиғи ва чегарадан ўтиш пунктлари акс эттирилиши керак.

7. Ўзбекистон Республикаси чегара хавфсизлигининг ишончлилиги кўп жиҳатдан қўшни давлатлар билан биргаликда давлат чегарасини самарали қўриқлаш ва ҳимоя қилишни таъминлаш бўйича чегаравий ҳамкорликни ташкил этиш даражасига боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси чегара хавфсизлигининг ишончлилигини ошириш учун чегара масалалари бўйича барча қўшни давлатлар билан икки томонлама халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни имзолаш, асосий йўналишларни, шакл ва усулларни, икки давлат чегара идоралари ўртасидаги мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳамкорлик механизмларини белгилаши керак.

8. Марказий Осиё мамлакатлари минтақасида чегараларидан ўтувчи шахслар, транспорт воситалари, товарлар, чегара ва божхона назорати тартибини босқичма-босқич умумий бирлашувга ўтиш тўғрисида кўп томонлама битим тузилиши мақсадга мувофиқдир. Бу минтақа мамлакатларининг тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ягона маълумотлар банкини яратиш, улардан фойдаланишда трансчегаравий жиноий жамоалар фаолиятини аниқлаш ва тугатиш бўйича

тезкор-кидирув тадбирлари самарадорлигини сезиларли даражада ошириш имконини беради.

9. Ҳозирда тўрт томонлама халқаро шартнома (Афғонистон, Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистон) тузиш, Амударёга халқаро дарё мақомини бериш, Амударё ва Сирдарё ҳавзаларининг ифлосланишидан муҳофаза қилишни таъминлаш мақсадида уларнинг ҳар бири учун қирғоқ бўйи Марказий Осиё давлатларининг аралаш дарё комиссияларини тузиш бўйича халқаро шартномалар тузиш мақсадга мувофиқдир. Бунда ҳар бир комиссия зиммасига трансчегаравий сувлардан оқилон ва самарали фойдаланиш, уларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш соҳадаги давлатлар фаолиятини мувофиқлаштириш, дарёларнинг ҳуқуқий режимини белгиловчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этилишини назорат қилиш масъулияти юкланиши керак.

10. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Туркменистон Ҳукумати ўртасида 1996 йил 27-ноябрда имзоланган Халқаро дарё йўловчи ва юк ташиш ишоратлар тўғрисидаги битимнинг 2-моддасида, «ички сувлар» тушунчаси ўрнига «худудий сувлар» атамаси нотўғри киритилган, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ушбу Битимга ўзгартиришлар киритиш бўйича тегишли ҳужжатларни тайёрлаши ёки ушбу халқаро-ҳуқуқий ҳужжатнинг янги лойиҳасини кўриб чиқиш учун Туркменистон томонига тақдим этиши мақсадга мувофиқдир.

11. Марказий Осиё минтақасидаги ҳарбий-сиёсий вазият ўзгариши, давлат чегараларини халқаро-ҳуқуқий расмийлаштириш ва чегара хавфсизлиги соҳасида ҳамкорликни ташкил этиш бўйича тузилган битимларни ҳисобга олган ҳолда «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, миллий ва чегара хавфсизлигини таъминлаш тизимида Чегара кўшинларининг ҳуқуқий мақомини белгиловчи «Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара кўшинлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинишини ҳам кўриб чиқиш лозим.

3. Чегара хавфсизлигини такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар

1. Чегара сиёсатининг барча мавжуд омиллар, муаммо ва таҳдидларга янада мослашувчан жавоб бериши учун Ўзбекистон Республикасининг чегара хавфсизлиги тўғрисидаги илмий асосланган Концепциясини ишлаб чиқиш зарур, унда қайси чегара фазосида мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилишни ҳуқуқий тартибга солишнинг асосий тамал тоши бўлиши кераклиги ва чегара соҳасида давлат ҳокимияти органларининг фаолиятини аниқ белгилаши керак.

2. Бошқарув жараёни Ўзбекистон Республикаси чегара хавфсизлик таъминлаш тизимида жалб қилинган давлат бошқаруви органлари фаолиятида муҳим йўналишлардан биридир. Ўзбекистон Республикасининг чегара хавфсизлигини таъминлаш жараёнини самарали бошқаришга фақат чегара фазосида вазиятнинг ривожланишини кузатиш учун барқарор имкониятларга эга бўлган ва мавжуд таҳдидларга қарши ишлаб чиқилган чора-тадбирларни амалга оширишга

ишончли таъсир кўрсатувчи органлар тизими орқали эришиш мумкин. Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда мавжуд бошқарув вертикалини чегара масалалари бўйича Давлат комиссияси, янги коллегиял бошқарув органи билан тўлдириш мақсадга мувофиқдир.

3. Ўзбекистон Республикасининг чегара хавфсизлигини таъминлашда Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинлари асосий бўғин ҳисобланади. Улар мустақил равишда ҳуқуқи нормалар чиқарувчи, қонунни қўллаш ва қонуний фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган ўзига хос ҳарбий тузилмадир. Шунга асосланиб, юқоридаги фаолият даражаларида бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш билан шуғулланувчи Чегара қўшинлари ходимлари ҳуқуқ соҳасида фундаментал билимларга эга бўлишлари ва чегара хавфсизлигининг илмий асосларини билишлари лозим.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.11/25.08.2022.Yu.24.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ УНИВЕРСИТЕТЕ
МИРОВОЙ ЭКОНОМИКИ И ДИПЛОМАТИИ**

УНИВЕРСИТЕТ МИРОВОЙ ЭКОНОМИКИ И ДИПЛОМАТИИ

МАККАМБАЕВ ПУЛАТ АБУТАЛИПОВИЧ

**МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВЫЕ ПРОБЛЕМЫ ПОГРАНИЧНОЙ
БЕЗОПАСНОСТИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

12.00.10 – Международное право

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации на соискание ученой степени
доктора юридических наук (Doctor of Science)

г. Ташкент – 2022

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована под номером B2019.2.DSc/Yu106 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Докторская диссертация выполнена в Университете мировой экономики и дипломатии. Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский) на сайте Научного совета (<https://uwed.uz/ru/news/science>) и образовательном портале «ZiyoNET» (www.ziyo.net.uz).

Научный консультант: **Саидов Акмаль Холматович**
академик, доктор юридических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Юлдашева Говхержан**
доктор юридических наук, профессор

Рахимова Муаттар Абдусаттаровна
доктор юридических наук, доцент

Матчанов Алимжан Атабаевич
доктор юридических наук, профессор

Ведущая организация: **Институт стратегических и межрегиональных исследований при Президенте Республики Узбекистан**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2022 г. в ____ часов на заседании Научного совета DSc.11/25.08.2022. Yu.24.01 по присуждению ученых степеней при Университете мировой экономики и дипломатии (Адрес: 100007, Узбекистан, г. Ташкент, проспект Мустакиллик, 54. Тел.: (99871) 267-67-69; e-mail: rektorat@uwed.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре при Университете мировой экономики и дипломатии (зарегистрирована за номером - ____). (Адрес: 100007, Узбекистан, г. Ташкент, проспект Мустакиллик, 54. Тел.: (99871) 267-16-45, 267-07-07; e-mail: rektorat@uwed.uz).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2022 года.
(Протокол № __ от «__» _____ 2022 года).

Г.С. Исмаилова
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней,
доктор юридических наук, профессор

М.Н. Мирхамидова
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней,
кандидат юридических наук

И.А. Хамедов
Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор юридических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация докторской диссертации (DSc))

Актуальность и необходимость темы диссертации. Общемировые проблемы обеспечения безопасности границ и эффективного правового регулирования постоянно усиливающихся трансграничных потоков становятся для многих государств одним из универсальных вопросов современной повестки дня, определяющей новые жизненно важные задачи. С одной стороны, они стали более «прозрачными» для трансграничного сотрудничества сопредельных стран, с другой – уязвимыми от вызовов и угроз безопасности. На сегодняшний день в проведенных научных исследованиях международно-правовые проблемы пограничной безопасности мало изучены, так как они, в основном, охватывали конкретные и узкие проблемы отдельно взятой страны, что актуализирует выбор системного варианта обеспечения их безопасности и поиска новых научных подходов в изучении теории границ.

В настоящее время в мире проводится ряд исследований по международно-правовым проблемам пограничной безопасности. При этом изучение меняющейся функциональной роли границ различных государств, имеет первостепенное значение для обеспечения их пограничной безопасности. В нынешних условиях обстановки в Центральной Азии важное значение приобретает совершенствование международно-правовой основы защиты государственных границ с целью предотвращения вторжения на территории государств региона вооруженных групп террористов и религиозных экстремистов, а также пресечения их подрывной деятельности.

В нашей стране уделяется большое внимание международно-правовым аспектам охраны и защиты государственных границ. «Нельзя допустить, чтобы территория Афганистана оставалась источником вызовов и угроз нашей безопасности. Имею в виду, прежде всего рост экстремизма и экспорт радикальной идеологии, использование афганской территории для подрывных действий против наших стран, риски проникновения боевиков через границы»¹. В настоящее время, благодаря целенаправленному выбору этого приоритетного направления, Узбекистаном возобновлены процессы оформления государственных границ с соседними странами, начали рассматриваться вопросы международно-правового определения статусов анклавов (анклавов) и установления порядка доступа к ним. В результате этого в нашей стране стали формироваться основные направления пограничной политики, важное научно-практическое значение обретает исследование международно-правовых аспектов обеспечения пограничной безопасности.

Данная диссертационная работа служит выполнению задач, поставленных в указах Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № УП-60 «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы», от 29 ноября 2021 года № УП-27 «О мерах по утверждению и реализации Концепции

¹ Выступление Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на встрече в формате «ШОС – ОДКБ» 18 сентября 2021 года. Официальный веб-сайт Президента Республики Узбекистан URL: <https://president.uz/ru/lists/view/4623>.

общественной безопасности Республики Узбекистан», Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан от 23 января 2021 года № 35 «О мерах по совершенствованию деятельности отрядов «Чегара посбонлари» по оказанию помощи Пограничным войскам Службы государственной безопасности Республики Узбекистан», а также в других нормативно-правовых актах, относящихся к данной сфере деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данная диссертация выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации.¹ Научные исследования международно-правовой значимости государственных границ как важного политического института и атрибута государственности проводятся в международных организациях, интеграционных сообществах, ведущих научных центрах и высших образовательных учреждениях мира, в том числе Контртеррористическим управлением ООН (США, Нью-Йорк), Парламентской ассамблеей ОБСЕ (Дания, Копенгаген), Центром мониторинга и анализа рисков Европейского агентства пограничной и береговой охраны Европейского союза (Фронтекс; Польша, Варшава), Региональной антитеррористической структурой ШОС (Ташкент), Отделом международно-договорного сотрудничества по пограничным вопросам Координационной службы Совета командующих Пограничными войсками СНГ (Россия, Москва), Международным институтом стратегических исследований (Англия, Лондон), Стокгольмским международным институтом мира (Швеция, Стокгольм), Женевским международным институтом мира (Швейцария, Женева), Международной ассоциацией исследований проблем мира (США, Боулдер, штат Колорадо), Центром региональных и трансграничных исследований (Россия, Волгоград), Академией военных наук Российской Федерации (Москва), Пограничными академиями России, Беларуси, Украины и Казахстана.

В зарубежных странах в интересах совершенствования международно-правовых вопросов обеспечения пограничной безопасности для борьбы с новыми трансграничными угрозами были получены следующие научные результаты: разработаны новые методы пограничного контроля для предотвращения трансграничных подрывных действий террористов и пресечения потока иностранных боевиков-террористов, пытающихся пересечь границу (Управление ООН по борьбе с терроризмом); обоснована необходимость принятия концепции механизма управления границами, направленной на усиление мер по предупреждению пограничных конфликтов и укреплению взаимного доверия (Парламентская ассамблея ОБСЕ); для стран Центральной Азии разработана современная концепция борьбы с терроризмом, сепаратизмом, экстремизмом, незаконным оборотом

¹ См.: Погранология: проблемы пограничной политики. М.: Отделение погранологии МАИ, 1999. 342 с.; Герасимкив А. Границы – разные, проблемы – общие // Пограничник Содружества. М., 2010. № 2. С. 65-67.

наркотиков и оружия, а также другими видами трансграничной преступной деятельности, осуществляемой на границе с Афганистаном (Региональная антитеррористическая структура ШОС); в модельных законах «О государственной границе», «О пограничной безопасности», «О пограничных органах» были обоснованы и введены в практику международного сотрудничества новые научные понятия такие, как «пограничная безопасность», «пограничная политика», «пограничное пространство» и другие (Совет командующих Пограничных войск СНГ).

Сегодня в мире ведутся научные исследования, направленные на изучение и анализ структурных элементов нового понятия, которым является категория «пограничная безопасность». Она обладает обилием пространственно-метрических параметров, для обеспечения функционирования которой создается многоуровневая система международно-правовых и национально-правовых режимов, обеспечивающих охрану и защиту государственной границы, раскрывает роль государственных границ в жизни международного сообщества, является наиболее близкой к отечественной концепции обеспечения безопасности границ научная дисциплина (наука) – погранология – представляющая систему знаний о характере, законах и закономерностях такого сложного социально-политического явления, как обеспечение безопасности государства на его границах и в пограничных пространствах.

Степень изученности проблемы. Проблемы государственной независимости и международно-правового оформления государственных границ были исследованы в научных трудах узбекских ученых А. Агзамходжаева, Х. Адилкариева, С. Адилходжаевой, А. Азизходжаева, К. Алимова, Р. Алимова, А. Аминова, Ш. Арифханова, А. Бабаходжаева, И. Бобокулова, Ш. Гафарова, К. Джураева, Г. Ерниязовой, Б. Исмаилова, Ф. Исхакова, А. Ишанова, Л. Кашинской, О. Кубаева, Г. Маткаримовой, М. Мирахмедова, А. Мирзаева, Р. Набиева, И. Ньматова, Х. Рахманкулова, А. Рахманова, Ю. Рысбекова, А. Саидова, Д. Ташкулова, Ф. Толипова, Р. Тузмухамедова, Н. Тулягановой, А. Турсунова, Х. Турсунова, Т. Тухтамедова, И. Умарахунова, Ш. Уразаева, Р. Хакимова и М. Шарифходжаева.¹

Международно-правовые проблемы государственных границ нашли отражение в работах ученых СНГ А. Арбатова, С. Бабурина, С. Байманова, В. Бараненкова, В. Барановского, Ю. Барсегова, А. Богатурова, С. Богданова, Е. Винокурова, Л. Воловой, Б. Ганюшкина, С. Голунова, П. Дмитриева, Л. Карапетяна, В. Карташкина, Г. Клеченова, Б. Клименко, А. Козлова, Л. Корбут, И. Куклиной, Д. Мальшевой, Б. Мартынова, А. Мелкумова, В. Микрюкова, Ю. Морозова, Э. Пушмина, А. Порк, С. Романенко, С. Русина, П. Смоленского, Д. Трофимова, В. Хандожко, И. Харичкина, В. Чамарова, В. Чеканова, М. Чумакова, М. Шафира, М. Энтина, А. Ямскава и А. Язьковой.

Проблемы защиты территориальной целостности и обеспечения неприкосновенности государственных границ анализируются в работах зарубежных юристов-международников М. Андерсона, Ц. Березовского,

¹ Эти и другие источники перечислены в списке использованной литературы диссертации.

Я. Броунли, В. Волкана, П. Гуана, С. Гуанчэна, К. Илиаса, Л. Йонсона, Р. Макдермотта, А. Манугяна, С. Маркизио, А. Новоселоффа, Л. Оппенгейма, Р. Осборна, А. Ротфельда, Р. Суни, Т. Того, А. Харада, К. Хиршманна, В. Шнайдер-Детерса, М. Шпехлера и Э.Х. де Аречага.

На протяжении более двадцати пяти лет в общественно-политической лексике и международно-правовых документах постсоветского пространства активно применяются термины «пограничная политика» и «пограничная безопасность». Однако до сих пор они не нашли еще своего должного закрепления в национальном законодательстве и не стали объектами научного анализа в отечественной юридической литературе. Учеными Узбекистана в трудах, посвященных исследованию проблем региональной и национальной безопасности, затрагивались только некоторые аспекты, имеющие отношение к общим проблемам пограничной безопасности Республики Узбекистан. Отсутствие в отечественной юридической науке комплексного и системного анализа международно-правовых проблем обеспечения пограничной безопасности Республики Узбекистан предопределило выбор данной темы диссертационной работы.

Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами высшего образовательного учреждения, в котором выполнена диссертация. Диссертационная работа выполнена в соответствии с планом научно-исследовательских работ Университета мировой экономики и дипломатии по направлению ПЗ № 20170929780 «Совершенствование образования и исследований в сфере международного права в Узбекистане».

Целью исследования является разработка научно-теоретических и практических рекомендаций и предложений, основанных на действующих нормах современного международного права, которые обеспечивают решение международно-правовых проблем обеспечения пограничной безопасности Республики Узбекистан.

Задачи исследования:

изучение международно-правовых функций государственных границ на международном, региональном и национальном уровнях, определение тенденций, оказывающих влияние на их международно-правовые режимы;

уяснение значения государственных границ в разграничении национальных территорий и сфер действия суверенитета, изучение международно-правовых процессов реализации центральноазиатскими странами права на самоопределение, в результате которых в регионе образовались новые межгосударственные границы;

определение международно-правового значения системы международной безопасности по предотвращению международных, региональных и внутригосударственных конфликтов, выявление правовой природы территориальных и пограничных конфликтов, существующих в Центральноазиатском регионе;

установление значения неприкосновенности государственных границ как основополагающего международно-правового элемента обеспечения международной и региональной безопасности;

рассмотрение современных теоретико-методологических подходов в исследовании понятия «безопасность» и определение их влияния на осмысление категорий безопасности, существующих в современном международном праве;

